

## САРЛАВҲАЛАР ДИЗАЙНИ

Пердебаева К.

*Қорақалпоқ давлат университети*

**Аннотация.** Мазкур мақолада газета сарлавҳаларини тўғри безатиш масалаларини кўриб чиқилади. Газета иллюстрацияси жараёнида уни безатишнинг муҳимлигини кўрсатиб ўтилади.

**Ключевые слова:** газета, сарлавҳа, мавзу, дизайн, элементлар дизайни.

**Аннотация.** В этой статье будут рассмотрены вопросы правильного оформления газетных заголовков. В процессе газетной иллюстрации указывается на важность ее художественного оформления.

**Ключевые слова:** газета, заголовок, подзаголовок, дизайн, элементы дизайна.

**Resume.** This article will address the issues of the correct design of newspaper headlines. In the process of newspaper illustration, the importance of its artistic design is indicated.

**Key words:** newspaper, headline, subheading, design, design elements.

Биз ҳозирги ахборот тезлиги даврида даврий нашрлар дизайн алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Бугун газетхонлар маълумотларни Интернет орқали олишга ўрганиб бормоқда. Лекин шунга қарамадан ўқувчиларнинг маълум қисми газеталар ўқишни хўш кўрадилар. Уларнинг талабини қониқтиришда босма мутахассислари доимо маҳоратини ошириб бориши шарт. Унинг муҳим таркибий қисми дизайн ҳисобланади. Биз ушбу мақоламизда сарлавҳаларнинг безатлиши масаласини қараб чиқамиз.

Сарлавҳа газета дизайннинг иккинчи элементи ҳисобланади. Жами бундай элементлар 3 та: колонка, сарлавҳа ва иллюстрация. Сарлавҳа иллюстрация ўртасида туради. У яъни сарлавҳа том маънода текст ҳам эмас, иллюстрация ҳам эмас. Аммо шу 2 та дизайн функцияни дизайни ўзида бирлаштиради. Сарлавҳа 1-2 асрдан бери газетанинг номи билан бирга аудитория диққатини ўзига тортадиган восита агар газетанинг номи ўзгармай кетса, сарлавҳа энг кўп ўзгарадиган усулдир. У кичик шрифтдан мисол 12-14-шрифтдан 24-шрифтгача бориши мумкин. Сарлавҳа танлаш қоидалари: 1. Размери материалнинг катта кичиклигига боғлиқ; 2. Сарлавҳада нечта сўз бўлиши, сўзлар сони материалларнинг ҳажмига ва газетанинг характериға боғлиқ; 3. Сарлавҳа учун шрифт танлаш материал характериға боғлиқ, агар бу жиддий расмий материал бўлса, шрифтнинг ҳам оғир вазмин шакли танланади. Агар материал санъат, спорт мавзусида бўлса, сарлавҳанинг энгилроқ “ўйноқи” шакли танланади.

Сарлавҳа газетхонга газета номерларида ориентация қилиш учун асосий вазифани бажаради. Одатда газетхон газета номини кўриб нашрни танласа, ушбу номерни кўриш учун сарлавҳаларга кўз югиртиб чиқади ва қайси

сарлавҳа унга қизиқарли туйилса, ўша материални ўқийди. Мазмун жиҳатидан сарлавҳа одатда кўйидагича бўлади:

1. Бир-икки, кўпи билан уч-тўрт сўздан иборат;
2. Сарлавҳа номи оддий, тушунарли, мураккаблаштирилмаган бўлиши керак;
3. Сарлавҳа аниқ бўлиши шарт, олдиқочди бўлмаслиги керак;
4. Ҳар бир сарлавҳа уларнинг кўплигига қарамасдан, индивидуал, оригинал бўлиши шарт;
5. Сарлавҳа билан материал мазмуни бир-бирига боғлиқ бўлиши зарур, бири богдан, бири тогдан келмаслиги керак.

A2 фарматгаги газетада 2, 3 колонкали материал учун одатда 16-24-пунктгача сарлавҳа танланади. Умуман олганда, кенг диапазонда 12-48 пунктгача бўлиши мумкин. Сарлавҳанинг контрастлиги 3 турда бўлади:

1. Текстга нисбатан;
2. Бошқа сарлавҳалар билан қиёслаганда;
3. Бир сарлавҳа ичида сўзларни бир-биридан ажратиш.

**Тагсарлавҳалар.** Кўп ҳолларда сарлавҳалар фақат ўзи эмас, балки тагсарлавҳалар билан берилади. Нисбатан, умуман олганда, Қорақалпоғистон газеталарида Тошкентда чоп этиладиган нашрларга нисбатан тагсарлавҳалар камроқ ишлатилади. Кенг миқёсда тагсарлавҳалар «Янги Ўзбекистон», «Правда Востока», «Халқ сўзи» газеталарида кўлланилади. Мисол, «Янги Ўзбекистон» газетасининг 2023-йил 13-июль кунги чиққан газетанинг 2-саҳифасида сарлавҳа “Президент сайлови – демократия сари танланган қадам” деб номланса, унинг тагсарлавҳасида “Овоз бериш жараёни халқаро кузатувчилар нигоҳида” деб номланган. «Еркин Қарақалпоқстан» газетасининг 2022-йил 10-сентябрь сонидаги газетанинг 2-саҳифасида “Тынышлық хәм татыўлық бийбаҳа байлық” номли материалнинг “Оны қәстерлеп-асыраў – хәммемиздиң миннетимиз” номли тагсарлавҳаси бор.

Тагсарлавҳалар мавзу бўйича хизмат қилувчи ва ички бўлими мумкин мавзунини тагсарлавҳа асосий сарлавҳадаги мавзунини давом эттиради. Бу ерда сарлавҳадаги ахборот кенгайтирилади, чуқурлаштирилади, ривожлантирилади. Хизмат қилувчи тагсарлавҳалар ахборот манбаини ёки жанрни кўсатади, ички сарлавҳалар эса катта материалнинг ички қисмлардаги алоҳида сарлавҳалари бўлади. Масалан, «Янги Ўзбекистон» газетасининг 2023-йил 10-июль сони 6-саҳифасида сарлавҳанинг барча турлари бор, рубрикадан тортиб ичги тагсаҳифаларгача бор. Саҳифа номи “Нигоҳ”, рубрика “Хориждаги ватандош” остида материал сарлавҳаси эса “Ўзбек йигити Amazon компаниясида” деб номланган бўлса, тагсарлавҳа номи “У энг кучлилар қаторига қандай кўшилди?” ва ички сарлавҳа “Янги муваффақиятли лойиҳам...”, “Маҳаллий компания дастурчилигидан “Amazon” гача”, “Катта тажриба майдони” деб берилган.

Тагсарлавҳалар одатта асосий сарлавҳадан фарқланадиган шрифтларда терилади. Жумладан размери ва безалиши нуқтаи-назаридан. Рубрика сўзи иккита маънони англатади, газета саҳифаларининг бўлими номи ёки жанр

номи. Мисол, гурринг ёки хотира. Одатда улар рубрикалар 10-12 пунктда терилади. «Қарақалпақстан экологияси» газетаси 2021-йил 31-декабрь махсус янгиликлар сони 7-саҳифасида рубрикаларга ортиқча буёқ берилган. Натижадаги рубрикадаги биринчи қисмдаги сўзларни ўқиб бўлмайди.

Газетанинг энг катта сарлавҳаси бутун саҳифага тегишли бўлиб, шапка деб номланади. Бундай шапка остида тўртта, бешта ва ундан кўпроқ материаллар берилиши мумкин. «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг 2022-йил 10-декабрь кунидаги 4-саҳифасида материаллар “Еслеў кешеси” шапкаси билан чиққан ва ушбу саҳифада саккизта материал берилган.

2022-йил 10-сентябрь куни “Еркин Қарақалпақстан” газетасининг 1-бети “Жаңа Ўзбекистанда ел азиз, инсан азиз!” шапкасида чиқди. Бу саҳифада олти та материал жойлаштирилган. Шапка одатта икки-тўрт сўздан иборат бўлади. А2 форматтаги газеталарда шапка учун 20-48 пунктли шрифтлар ишлатилади. Аммо, 72 пунктли шрифтлар ҳам бор. Сарлавҳалар иккинчи рангда ҳам берилиши мумкин. Бундай сарлавҳалар аввалги даврларда болалар газеталари ва ҳафталик газеталарда ишлатилган бўлса, бугинги кунда бошқа газеталарда ҳам кўринмоқда.

Қўлдан чизилган газеталар ҳам кўпайиб бормоқда. Булар ҳам алоҳида, ҳам малум бир босма билан берилиши мумкин. Сарлавҳалардан фойдаланишнинг шундай ҳам қонунияти борки, уларнинг ёрдамида ўқувчиларни алдаш мумкин эмас, яъни мазмунан иккинчи даражали материалга ёркин чиройли сарлавҳа бериш бу аудиторияни алдаш дегани.

Энди сарлавҳанинг жойи ҳақида гаплашамиз. Сарлавҳа қаерда жойлашиши мумкин, албатта материалнинг устида берилади. Бундай ҳолда сарлавҳа материални тўлиқ ёки қисман қамраб олиши мумкин. Материалга қисман чўктирилган шаклда

Материалнинг ичида ёки материалнинг чап томанда, лекин материалларнинг ўнг томонида сарлавҳа қўйилмайди.



Мумкин

Мумкин эмас




Сарлавҳалар шакллари

пирамида шакли



зинали шакл





Айрим пайтлари шундай турдаги сарлавҳалар учрайди, бундай сарлавҳа байроқли сарлавҳа деб номланади.



Шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, ҳозирги даврда газетхонларнинг эътиборини ўзига тортишда сарлавҳалар дизайни кундан-кунга муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга қарамасдан маҳаллий газеталарда бу масалага алоҳиҳида эътиборни кучайтириш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун мамлакатимиздаги, шунингдек, журналистикаси ривожланган илгор давлатлар нашрларидан андоза олиш фойдали бўлади. Бу эса, газетхоннинг нашрга қизиқишини кучайтиради.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Тулупов В.В. Техника и технология медиадизайна. Пресса. Москва, Аспект-пресс, 2018. 208 с.
2. Муминов Ф.А. Техника средств массовой информации и пропаганды (оформление периодических изданий). Ташкент, Университет, 1986. 48 с.
3. Marziyaev J. K. Rol i mesto publitsisticheskix janrov v sovremennoy karakalpakskoy pechati //Vestnik Chelyabinskogo gosudarstvennogo universiteta. – 2012. – №. 6 (260). – С. 88.
4. Marziyaev J. K. Use of information genres in the print of Karakalpakstan //Science and Education in Karakalpakstan. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 27.
5. Marziyaev J. K. The role of the language of the branch newspapers of Karakalpakstan in the development of media linguistics //ISJ Theoretical & Applied Science, 02 (118). – 2023. – С. 529-533.
6. МАРЗИЯЕВ Ж. К., Нукус Қ. ЭКОЛОГИК ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.
7. Marziyaev J. K. ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ В КАРАКАЛПАКСКОЙ ПРЕССЕ //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 65-73.
8. Марзияев Ж. К. Экология в каракалпакской публицистике //Диалог культур в медиaprостранстве. – 2021. – С. 109-113.
9. Марзияев Ж. К. Информационная безопасность личности в процессе глобализации //В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ. – 2017. – Т. 165.
10. Машарипова Т. Ж. PUBLICISM AND LITERATURE: COMMON AND DIFFERENT SIDES //Вестник Ошского государственного университета. – 2019. – №. 2. – С. 150-156.
11. МАШАРИПОВА Т. КИТОБХОН ВА ПУБЛИЦИСТИКА.
12. kizi Perdebaeva K. R. GAZETA DIZAYNININ ONIN MAZMUNINA TÁSIRI: Kumar Rauaj kizi Perdebaeva Berdaq atındađı Qaraqalpaq mámleketlik universiteti magistrantı //Научно-практическая конференция. – 2021.
13. Марзияев Ж. К. Заголовочный комплекс как элемент публицистического стиля //В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ. – 2016. – Т. 34.
14. Марзияев Ж. К. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ АНАЛИТИЧЕСКИХ ЖАНРОВ ПУБЛИЦИСТИКИ //ПРОБЛЕМЫ МАССОВОЙ КОММУНИКАЦИИ: НОВЫЕ ПОДХОДЫ. – 2013. – Т. 24.
15. Марзияев Ж. К. Истиклол ва Қорақалпоғистон матбуоти [Independence and the press of Karakalpakstan] //Материалы Международной научно-практической конференции на тему: «Экономика. Социальная защита. Образование. Занятность в XXI веке». Самарканд. – 2007. – С. 228-233.
16. Marziyaev J. K. Interpretation of environmental problems in the karakalpak press in the years of independence. Dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences. Tashkent. Uzbekistan. – 2019.
17. Kalybaevich M. J. MODERN KARAKALPAK PRESS AND GENRES OF JOURNALISTIC WORKS //Horizon: Journal of Humanity and Artificial Intelligence. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 148-157.